

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МАФКУРА ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

Қодиржон Одилов - фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедрасининг мудири

The impotence of ideology and spiritual legacy in upbringing of healthy generation is given in the article.

В статье рассматриваются вопросы изучения идеологии и духовного наследия воспитания гармонично развитого поколения.

Мақолада баркамол авлод тарбиясида мафкура ва маънавий мероснинг ўрни масалалари кўриб чиқилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш борасидаги ислохотлар тизимли, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ёш авлодни буюк аجدодларимизга муносиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган, билимли, юсак ижодий-интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказиш масаласи маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларнинг пировард мақсадини ташкил этмоқда.

Айни пайтда бугун долзарб бўлиб келаётган яна бир муҳим йўналиш борки, у бевосита инсоннинг қалби ва онгини ўзгартириш билан боғлиқ. Бу – мафкура ва маънавий мерос масалаларидир. Шу боис мамлакатимизда мафкура ижтимоий эҳтиёжга айланди ва миллий қадриятларимизга муносабат тубдан ўзгарди, аجدодларимизнинг улкан маънавий мероси қайта тикланди.

Бугун миллий мафкурани ёшлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим – тарбия, тарғибот ва ташқиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда. Бу борада баркамол инсон тарбияси кўп омил ва мезонларга боғлиқ бўлсада, мафкуравий омил сифатида маънавий мероснинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Зеро бугунги мураккаб замонда жамиятимизда

миллий истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол инсонни тарбияламасдан эзгу мақсадларга эришиб бўлмайди. Бунда Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва шу каби юзлаб буюк алломаларимиз ва мутафаккирларимизнинг маънавий мероси ёшларимизни юксак маънавиятли бўлишига ундайди. Юксак маънавиятли инсон бу - қалби ҳамда онгидаги туйғу ва тушунчаларида, дунёқараши ва эътиқодида халқи ва Ватанига садоқатли, ўзини қандай буюк аجدодлар авлоди эканини чуқур англаган, умуминсоний қадриятларга ҳурматда ва эътиборда бўлган, миллий урф-одатларимизни асраб авайловчи, ҳар қандай шароитда ҳам ота-боболари шаъну шавкатига муносиб бўлиб яшашовчи шахс демакдир. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – иймон эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, муваққил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”¹.

Албатта бу борада миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Миллий мафкура халқнинг мақсад – муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишга унинг руҳини кўтариб, унинг суянчи ва таянчи бўлади, ҳамда шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб беради. Шу маънода миллий мафкураимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий асосларининг яратилиши жамиятимизда чуқур ўзгаришлар ва янгиланишга асос солиши билан бирга ёшлар тақдирига бевосита масъул бўлган таълим ва тарбия соҳаси вақллари олдига муайян вазифалар қўяди. Тарбия жараёни инсоннинг маънавий-руҳий етуқлигига, ўзини буюк миллат вакили сифатида ҳис эта олишига ёрдам берса-да, инсонни ўзи муайян ғояга, мафкурага суянган, унга эътиқод қилган тақдирдагина самарали бўлиши

мумкин. Давр руҳидан келиб чиқсак, бугуннинг ёшлари шу мамлакатининг фуқароси эканини хис этиши, ўзига бериб қуйилган ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатда бўлиши ва кадрлаши билан бирга машаққатли меҳнат ва курашлар билан қўлга киритилган мустақилликни асраб-авайлашга, ҳимоя қилишига қаратилган ғоя ва мафкурага суяниб яшаши керак. Чунки Президентимиз таъкидлаганларидек, “Мустақиллик биз учун аввало ўзлигимизни англаш, инсоний кадригимизни, урф-одат ва кадриятларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аجدодларимиз, азиз авлиёларимиз ва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш каби бекиёс имкониятлар очиб берганини”². Ёдимизда тутишимиз зарур.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагига ғоявий асос бўладиган миллий мафкурани шакллантириш ва ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий кадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида маънавиятли қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Шу боис ҳозирга қадар ёшлар онгига миллий ғоя ва мафкурани сингдириш ва уни тарғиб қилишга оид жуда кўплаб тарбиявий ишлар амалга оширилди. Хусусан, юртимизда ва дунёда содир бўлаётган сиёсий - иқтисодий жароёнларга ёшларнинг фуқаролик позициясини шакллантириш ва уларда Ватан равнақи йўлида тадбиркорлик, ишбилармонлик хислатларини шакллантириш борасида муайян тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилди. Бу эса жамиятда қуйидаги ҳолатни келиб чиқишига асос бўлди:

Биринчидан, ёшларнинг онги ва дунёқараши ўзгаради, улуғ аллома ва мутафаккирларимиз қолдириб кетган маънавий мерос асосида биз кимларнинг авлодларимиз деган саволга жавоб олди. Юртбошимиз илгари сурган “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз ҳам” – деган ғоя ўзининг амалий ечимини топди;

Иккинчидан, шу азиз Ватан бағрида бахтли бўлиш мумкин эканлиги англаб етилди;

Иккинчидан, Ватанни обод қилиш ва одамлар турмушини фаровон этиш фақат ўзимизга боғлиқ деган ғоя жамиятда таркиб топди;

Учинчидан, миллий ғоя ва мафкурани тарғиб қилиш, маънавий меросни авайлаб асраш, жамиятни ҳар бир аъзосининг амалий иши эканлиги тобора аниқлашиб, ҳаётда ўз исботини топди.

Таъкидлаш лозимки, ёшларни мафкуравий, ахлоқий тарбияси ҳар бир ота-она, ўқитувчи, мураббийнинг халқ, Ватан олдидаги бурчи ҳисобланади. Буни шахсий манфаат учун олди-сотти қилиш, иқтисодий ночорликни рўқач қилиб, маънавиятсизликка, мафкурасизликка йўл қўйиш мумкин эмас. Агар ёшларда мафкуравий заифлик, маънавиятсизлик сезилган тақдирда унинг асосий сабаб ва омилларини аниқлаш, зудлик билан аниқ мақсадга қаратилган кескин чоралар кўриш зарур. Ҳозирда телевиденияда ўзбек маънавиятига мос тушмайдиган, мафкураси ўзгача бўлган юртларнинг ҳаёт тарзини чиройли бўёқларга буркаб намоёйиш этиладиган баъзи кўрсатув ва филемлар ёшларимизнинг дунёқараши ва эътиқодига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мафкуравий ён бериш, мафкуравий заифликка, мафкуравий бўшлиққа олиб келади. Бугун ёшлар ўртасидаги ахлоқсизлик, ОИТС касаллигини юктирилиши, гиёҳвандлик балоси, иқтисодий жиноятчилик, диний экстремизмга оғиш каби иллатларнинг учраб туриши ҳам мафкуравий заифлик, мафкуравий бўшлиқ туфайли бегона ёт ғояларнинг уларга таъсири натижасидир.

Одамлар орасида "сув бўлмаган жойда қамиш ўсмайди", деган ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, қамишни ўриб ташласангиз ҳам, ёқиб юборсангиз ҳам, барибир ўсиб чиқаверади. Қамишни йўқ қилишнинг ягона чораси мавжудлигини таъминлайдиган сувни қуритиш, ўсиш муҳитини йўқотишдир. Шу боис ҳам тараққиёт жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ғояларнинг кириб келишига, унинг "илдизга ўтказувчи сувига" (бегона, ёт ғояларга) имконият бермаслик муҳим

аҳамиятга эга. Президентимиз таъбири билан айтганда, бунинг учун фарзандларимизни табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, имон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим. “Бунинг йўли – одамларимиз, аввалам бор, ёшларимизнинг иймон – эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигининг унутмаслик, ота – боболарининг муқаддас қадриятларини асраб – авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен Ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир”³.

-
1. Ислом Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” Тошкент, “Ўзбекистон”-2000й. 8-том, 341-бет
 2. Ислом Каримов “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” Тошкент, “Ўзбекистон”-2015й. 71-бет
 3. Ислом Каримов “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамир” Тошкент, “Ўзбекистон”-2000й. 7-том, 94-бет

Иштирокчининг тўлиқ ФИО	Одилов Қодиржон
Шўба номи	Таълим тизимида Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишдаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари
Мақоланинг мавзуси	
Лавозими, илмий даражаси, унвони	“Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедрасининг мудири фалсафа фанлари номзоди, доцент.
Иш жойи	Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти
Телефони (коди билан)	+99890 352 44 39
E-mail	qodirjon.odilov@mail.ru